

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар  
бойликлар билан таъминлаш бўйича  
№ 8 сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «24» май

Қўкон шахри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Nurafshon Metall trade» Х/К (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбари Н.Меликузиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Қўкон шаҳар Халқ таълими бўлими номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари \_\_\_\_\_ ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. «Етказиб берувчи» «Буюртмачи»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

№	Маҳсулот номи ва тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Маиший чиқиндилар учун темир, роликли контейнер	Дона	37	2 530 000	93 610 00
<b>Жами</b>					

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 93 610 000 сўм, (тўқсон уч миллион олти юз ўн минг) сўмни ташкил қилади.

**Изоҳ:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбун натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун ҳисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдоридида туловни амалга оширади ҳамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида «Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридидаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарх маҳсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулот, жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Етказиб берувчи» зиммасидан қопланади.

**3. Маҳсулот етказиб бериш:**

3.1 «Етказиб берувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни 3 кунда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:**

4.1 «Етказиб берувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига қафолат беради ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Етказиб берувчи» «Буюртмачи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қогози кўрсатган вакилга маҳсулот беради. Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»нинг ишонч қогозида қурсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч қогозида белгиланган

миқдоридан ортик берган холларда бу маҳсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Етказиб берувчи»га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

4.3 «Етказиб берувчи» етказиб бераётган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4 «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб оlingан сўнг оlingан маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

### **5. Жарималар қўланилиши**

5.1 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Етказиб берувчи» муддатида етказилмаган маҳсулотларни умумий қийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

5.3 Қабул қилинган маҳсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган маҳсулот қийматидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Етказиб берувчи» га пеня тўланади.

5.4 Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

### **6. <Форс-мажор>**

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган ғавқулда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

### **7. Шартнома муддати**

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача. Маълум сабабларга кўра оlingан маҳсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса оlingанда;

в) «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Етказиб берувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қўшайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: **б, в, г, д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

### **8. Қўшимча шартлар**

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали ҳал қилинади.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва пархонаволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдикланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажратмас қисми ҳисобланади.

8.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган дан сўнг ама на қиритилади.

8.5 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиши учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.6 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққоний бири ва тўғри бири ҳолда ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобдордирлар.

### 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Таъминотчи»

“NURAFSHON METALL TRADE” МЧЖ  
(мол этказиб берувчининг номи)

Манзил Дангара тумани

Тел. факс

х.в 2020 8000 7050 5050 1001

Банк: Миллий банк Кукон филиали

МФО 00545 СТИР 306 290 024

ОКОНХ

«Истеъмолчи»

Кукон шаҳар Халқ таълими бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил Кукон шаҳар Озодлик кўчаси 20-а. ви

Тел. факс

ш.х. 1000 2860304057092100075049

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201131489

ОКОНХ

Газначилик бўлимаси номи Кукон шаҳар

газначилик бўлимаси

Газна х.в 23402000300100001010

Банкининг номи Марказий банк Тошкент

МФО 00014

газначилик бўлимаси СТИРи 201122919

Рахбар

Н. Меликузиев

Рахбар

Д. Алимова



Юридик маслаҳатчи ҳулосаси

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi :** Shartnoma №8

**2. Loyihaning nomi**

Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarni mahsulot, jihozlar va moddiy tovar boyliklar bilan ta'minlash bo'yicha 8-sonli shartnoma

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Qo'qon shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 24 may kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

**4.Loyiha yuzasidan berilgan xuquqiy xulosa**

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasi amaldagi qonunlari hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida» gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

**Qo'qon shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuristkonsulti:**



**U.Xoshimjonov**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 85319 на приобретение Мусорный контейнер

Способ проведения электронный

Дата 20.05.2022

Время рассмотрения 20.05.2022 10:51

Конкурсная комиссия Кукон шахар халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ALIMOVA DILFUZA ABDULLAYEVNA	Mudira	Qo'qon shaxar XTB
<b>Секретарь комиссии</b>	URMANOV VALIJON GULAMOVICH	Kotib	Qo'qon shaxar XTB
<b>Член комиссии</b>	USMONOV BUNYODJON ODILJONOVICH	Bosh xisobchi	Qo'qon shaxar XTB
<b>Член комиссии</b>	MAMADALIYEV NURULLOXON ISLOMJON O'G'LI	Yordamchi Injiner	Qo'qon shaxar XTB
<b>Член комиссии</b>	XAPIZOVA DILFUZA GAFAROVNA	Bosh iqtisodchi	Qo'qon shaxar XTB
<b>Член комиссии</b>	MUSAYEV AKMAL ABDURAXMANOVICH	Bosh injiner	Qo'qon shaxar XTB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.05.2022 года № лота 85319.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 26

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Мусорный контейнер
Подробное описание	Маиший чиқиндилар ташлаш учун темир контейнер. Хажми 770 литр, евро стандарт EN 840. грузоподъемность 460 кг, ролиги 200мм (4 та ролик, 2 таси тормози билан). Товар материали темир металл (қалинлиги 1,7мм) Улчамлари: эни 1080мм, бўйи 1360мм, баландлиги 1350мм. Контейнер қопоғи махсус очилиб ёпиладиган хамда мусор автомашина кўтариши учун контейнерда махсус ушлагич мавжуд бўлиши лозим.
Количество товара	37.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	2 680 000.00
Стартовая сумма	99 160 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишчи ўрни

Тип: Текстовое значение

Описание: 2022 йил уткан ойнинг даромад солиги хисоботидан такдим этиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	10	2	5	Экспертная		
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	10	4	5	Экспертная		

Критерий №2 Лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Белгиланган мусор контейнерлар керакли хужжатлар мажмуаси булиши шарт.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	10	бор	7	Экспертная		
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	10	бор	7	Экспертная		

Критерий №3 Солиқлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	10	қариздорлик йок	5	Экспертная		
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	10	қариздорлик йок	5	Экспертная		

Критерий №4 Банкротлик

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	10	йок	8	Экспертная		
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	10	йок	8	Экспертная		

Критерий №5 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Товар етказиб бериш якунлаш муддати хамда сифати буйича кафолати хақида ёзма маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	10	кафолат хати йок	2	Экспертная		
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	10	кафолат хати бор	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	99 160 000.00	93 610 000.00	20.05.2022 09:31:48	20.00
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	99 160 000.00	95 460 000.00	19.05.2022 22:29:46	19.61

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЧП NURAFSHON METALL TRADE</b>	48	20	68
<b>АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ</b>	43.2	19.61	62.81

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 85319 от 20.05.2022 года на приобретение Мусорный контейнер определила победителем:

ЧП NURAFSHON METALL TRADE  
306290024

и резервный исполнитель: АХМЕДОВ МИРАХМАД МЕЛИКУЗИЕВИЧ (422039616)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	MAMADALIYEV NURULLOXON ISLOMION O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUSAYEV AKMAL ABDURAXMANOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	ALIMOVA DILFUZA ABDULLAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAPIZOVA DILFUZA GAFAROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	USMONOV BUNYODJON ODIL JONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

FARG'ONA VILOYATI XALQ  
TA'LIMI BOSHQARMASI  
QO'QON SHAHAR  
XALQ TA'LIMI BO'LIMI

713000, Qo'qon shahri, Ozodlik hayotini ko'chasi  
20a-uy, Tel/fax: (73) 542-56-77  
E-mail: qo'qon.shxtb@xtv.uz



FERGHANA REGIONAL  
DEPARTMENT OF PUBLIC  
EDUCATION KAKAND CITY  
PUBLIC EDUCATION  
DEPARTMENT

20', Ozodlik hayotini Street, Kakand city, 713000  
Tel/fax: (73) 542-56-77  
E-mail: qo'qon.shxtb@xtv.uz

2022 y. «24» *may*

№ *06/483*

« »

2022r

**Кўкон шаҳар Ғазначилик  
бўлимаси бошлиғи  
А.Разақовга**

Сизга шуни маълум қиладики, Кўкон шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларга сотиб олинаётган маиший чиқиндиларни ташлаш учун контейнер жихозини 9.10.2013 йил “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли бҳме) «Асосий воситалар»ни тасдиқлаш тўғрисида” ги 114 сонли буйиғининг 4 банд 2 хат бошига асосан товар молдй захиралар ҳисобига олишни маълум қиламиз.

**Кўкон шаҳар ХТБ бош ҳисобчиси**

**Б. Усмонов**

